

АДОЛАТ




ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИКА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 24 НОЯБРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 47 (593) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Сифат — бирламчи омил

Пойтахтимиздаги «ACARBO текстил» (Туркия) хорижий корхонаси ўтган йилнинг сентябрь ойидан ишга тушганди. Шу пайтга қадар корхонада жами 371 минг АҚШ долларилек тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.



Корхонада бугунги кунда 450 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бир кунда 3 минг дона кийим-бош тайёрланаётди. Ишчи-ходимларнинг маънавияти ва тажрибасини орттириш мақсадида мутахассислар томонидан ўқув машғулоти ўтказиб турилибди. Ҳам сифат, ҳам кўриниш жиҳатидан замон талабига тўла мос келадиган маҳсулотлар жорий йилнинг июль ойидан бир неча хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

— Бугунги кунда ишлаб чиқаришни замонавий технологиясиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди корхона раҳбари Ирфон Ажарбо. — Чунки маҳсулот қанчалик сифатли ва бежирим бўлса, у шунчалик тез ўз харидорини топади. Шу маънода, Япония, Жанубий Корея, Германия каби тараққиётган давлатларда ишланган ускуналар бизга жуда асқотаётди.

Суратларда: корхонанинг чевар қизлари иш билан банд.
Носир ҲАЙДАРОВ суратлари

КУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувейт алоқа вазири Маъсума Солиҳ ал-Муборак хоним раҳбарлигидаги делегация 23 ноябрь кунини қатор вазирилик ва идораларда музокаралар ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари А.Парпиев билан мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида қўллаб-қувватлаш, жумладан, таълим йўналишида ҳам ҳамкорлик ўрнатилгани қайд этилди. Бунда Президент Ислам Каримовнинг 2004 йилнинг январь ойида Кувейтга расмий ташрифи давомида

эришилган аҳдлашувлар муҳим ўрин тутаётди. Кувейт алоқа вазири билан бўлган учрашувда томонлар Ўзбекистон билан Кувейт ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашди. Делегация, шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎЗА)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Бюджет ижросига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирилик ва идоралар, кўмита ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Ушбу кўмита раиси А.Аҳадов бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йилнинг 9 ойидаги ижроси яқунлари тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси раиси Б.Ашрафонов маъруза қилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2006 йилнинг 9 ойида таркибий

ислохотлар кўламларини кенгайтириш, иқтисодийни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, мулкчиликнинг хусусий секторини мустақамлаш, кулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш учун шарт-шароит яратиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,3 фоиз ўсди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Давлат бюджети 125,1 миллиард сўм профицит билан ижро этилди. Барча солиқ ва тўлов турлари белгиланган миқдорда бажарилди.

Тадбирда ўтган даврда асосий эътибор аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъ-

минлаш, бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш, самарадорлигини оширишга қаратилгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни оптималлаштириш, иш ҳақи, стипендия ва аҳолига бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш, тўлов интизомини мустақамлаш, солиқ юқини камайтириш асосида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб орқали янги иш ўринлари яратилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

Дўстлик маскани

Андижон вилояти Кўргонтепа тумани Корасув шаҳрида очилган божхона ва чегара назорати пости ана шундай хайрли вазифани бажаради.

Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасининг бу қисми Шаҳрихонсой дарёсидан ўтади. Илгари икки соҳилни кичкина кўприк боғлаб турарди. Божхона-ўтказиш пункти ҳам йўқ эди. Яқинда бу ерда кўприкни тўлиқ таъмирлаш ва замонавий божхона терминали қуриш ишлари бошланди. «Бинокор» масъулияти чекланган жамияти бош пурдатчи бўлди. Қурувчилар бу ишни қисқа муддатда — атиги уч ойида утқалади. 23 ноябрь кунини «Корасув» божхона ва чегара назорати постининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Божхона ва чегара постининг очилишида сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси Т.Товолдиев, Давлат божхона кўмитаси раиси С.Носиров ва бошқалар Президент Ислам Каримовнинг доимий эътибори туфайли мамлакатимиз сарҳадлари мустақ-

камланаётганини таъкидлади. Бу ишлар, аввало, чегара давлати ва тартибни таъминлаш, уни кесиб ўтадиган одамлар учун қулайлик яратиш мақсадида қилинмоқда.

«Корасув» маскани энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, — дейди божхона ва чегара назорати пости бошлиғи Баҳодир Нейматов. — У «Хайман» рентген аппарати, «Кемек» автотарозиси, портал мониторлар ва бошқа зарур асбоблар билан жиҳозланган. Кун давомида постдан 1000 киши ва 1000 тоннагача юк ўтиши мумкин. Юқини кўздан кечириш ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди.

Кўприк энг аниқ кенгайтирилди ва бу пиёдалар ҳамда автотранспорт учун икки тарафлама қатнаш имконини бермоқда. Терминал ёнида савдо ва маиллий хизмат шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

— Кейинги йилларда Қорасув шаҳри аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш ва хавф-

сизлигини таъминлаш мақсадида кўп иш қилинди, — дейди «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Камолiddин Абдулмамавов. — Мустақилликнинг 15 йиллиғи номи билан аталган янги мавзе барпо этилди. Бу ерда қурилган 116 та уйга бевосита чегара ёнида жойлашган ҳудуд аҳолиси кўчиб ўтди. Агар аввалги уйлар учун беш гектар ер ажратилган бўлса, янги мавзе 18 гектар майдонни эгаллади.

— Уйлар газлаштирилган, электр, сув ва телефон алоқаси билан таъминланган, — дейди янги уйга кўчиб ўтганлардан бири Абдуманноб Мамажонов. — Кўчиш яна бир воқеага тўғри келиб қолди — янги жойда набирам Муштарийбону туғилди. Имкониятдан фойдаланиб, мамлакатимиз Президентига ҳамхўрлик ва доимий эътибор учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Кўприкнинг очилиш маросимида Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

С.ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 22 ноябрь кунини навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Комиссия Раиси Мирзаулугбек Абдусаломов бошқарди. Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ва Сенати аъзосининг маъмурият тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига асосан айрим сенатор ва Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Комиссия Фаргона вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг 2006 йил 17 ноябрь кунини бўшаб қолган ўринга бўлиб ўтган Сенат аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси баённомасини кўриб чиқиб, Фаргона вилояти ҳокими Абдуҳошим Абдуллаевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутатлик ваколати тугатилганлиги муносабати билан Сайдулла Бағалиевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига аъзолик ваколати муддатидан илгари тугатилди. Бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Хаётхон Каримов ва Ақром Алимовнинг ваколатлари ўз аризаларига биноан муддатидан илгари тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини тайинлаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 47-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Мар-

казий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

қарор қилади:

Бухоро вилоятидаги 25-Ибн Сино, Тошкент вилоятидаги 75-Зангиота, Фаргона вилоятидаги 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови 2006 йилнинг 24 декабрь, яқшанба кунига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов Тошкент шаҳри, 2006 йил 22 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосини рўйхатга олиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига, «Ўзбеки-

стон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонунининг 58, 61-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг бўшаб қолган ўринга сайлов бўйича 2006 йил 17 ноябрь кунини ўтқазилган Фаргона вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси баённомасига асосан Абдуҳошим Абдуллаевич Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин:

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Этабди турган давлати (маншуватининг тури)	Иш ва яшаш жойи
1.	Абдуллаев Абдуҳошим Абдуллаевич	1950	Фаргона вилояти ҳокими	Фаргона шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов Тошкент шаҳри, 2006 йил 22 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритилгани мамлакатимиз кенг жамоатчилигида, Беофор айтганда, таажуб уйғотди. Бу ҳол Америка ташқи сиёсат маҳкамасининг дин ва эътиқод эркинлиги каби долзарб масалаларга бир томонлама ёндашишини ва «икки ёқлама стандартлар» бўйича иш тутишини яна бир бор намойён этди.

Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ана шу оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонда 18 диний конфессия, жумладан, ислом, насроний, яҳуд, католик ва бошқа динлар вакиллари аҳил-инок, тинч-тотув яшаб, ўзининг диний эътиқод амалларини эмин-эркин адо этиб келаётди. Сўнги йилларда мамлакатимизда динлараро, конфессиялараро, конфессиялар билан давлат идоралари ўртасида бирон-бир қарама-қаршилик ёки зиддият юзасига келган ҳолат қайд этилмаган.

Кейинги вақтларда БМТ доирасида ўтказилаётган барча йирик халқаро конференция, семинар ва учрашувларда Ўзбекистоннинг динлараро ҳамжихатлик ва ўзаро хурматли қарор топтириш борасида эришган ютуқлари ҳар тарафлама эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси айрим сиёсатчиларнинг, давлат арбоблари ва оммавий ахборот воситаларининг очикдан-очик илгоғарликдан иборат ҳамда динлараро ҳамжихатликка раҳна солишга қаратилган андишасизларча ва мутлақо асосиз уйдирмаларига нисбатан ҳар дом принципал ва изчил позицияда бўлиб келган.

Бу, аввало, халқаро террорчиликни муқаддас ислом дини билан боғлашга уринишлар, Фарб наслари «сўз эркинлиги» шiori остида юз миллионлаб мўмин-му-

сулмонларнинг миллий гурури ва шазинини камситадиган ҳақоратомуз фикрларни тарқатгани каби фактларга тегишлидир.

Ўзбекистон ҳаммиса бундай хатти-ҳаракатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаган ва шундай ҳисоблайди. Ўзбекистон томонидан Мухаммад пайгамбарга (с.ав.) қарикатуралар нашр қилинганнинг ҳамда Рим Паласи Бенедикт XVI ислом дини ҳақида маъсулиятсизларча айтган гапларнинг қораланиши бунинг аққол тасдиғидир.

Ўзбекистон ислом маданияти ва фалсафаси шаклланган ҳамда ривожланган марказлардан бири сифатида эътироф этилган. Биз номлари бутун мусулмон оламида ҳуқур эҳтиром билан тилга олинадиган буюк уламолар ва файласуфлар мана шу муқаддас заминда яшаб ижод этганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Ўзбекистон ушбу бебаҳо маънавий меросни тиклаш, ўрганиш ва асраб-авайлашга қаратилган изчил сиёсатни амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда анъанавий динлар вакилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш учун Конституция ва қонун билан ҳамма шарт-шароит яратилган ва қафолатланган, деб қатъий айтишга барча асосларимиз бор. Миссионерлик билан шугулланадиган турли диний оқим ва секталар фаолиятига келса, Ўзбекистон бу масалада мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунининг асосий қоидаларига таяниб иш тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон томони АҚШ Давлат департаментининг мамлакатимизни «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритиш тўғрисидаги қарори мутлақо асосиз бўлиб, бу мутлақо Ўзбекистоннинг ички ишларига аралашидан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайди.

Фракция йиғилиши

Қонун лойиҳаларига нуқтай назар



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишнинг фракция раҳбари Дилором Тошмухамедова бошқарди. Йиғилишда навбатдаги ялпи мажлисда муҳокама қилинадиган бир қанча қонун лойиҳалари ху-

сусида сўз юритилди. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жаъвобарлик тўғрисидаги кодексига кўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Ақром Жумаев ахбороти тингланди. Маърузачининг таъкидлаши-

ча, мазкур лойиҳада мансабдор шахслар бюджет маблағларини мақсадсиз ёки қонунга зид равишда сарфлаган ҳолатда энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача миқдорда жараима тўлашга оид модда киритиш назарда тутилган. (Давоми 3-бетда)

Карор ва ижро

Тупроқдан олтин яратаётганлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳа ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат асосида 219 ширкат ҳужалиги негизда ташкил этилган 39 мингдан зиёд фермер ҳужалигининг тўрт ярим мингдан ортиги сабзавот, полизчилик ва картошкачиликка, қолганлари эса боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг сабзавот-полизчиликни, боғдорчиликни ривожлантириш ва қишлоқ ҳўжалиги махсўлотларини қайта ишлаш бошқармаси бошлиғи Шоймамат Шерқобилоннинг маълум қилишича, жорий йилда фермер ҳўжаликлари билан турли ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тўқсон минг тоннага яқин ҳўжалик махсўлотлари олдидан сотдиси бўйича 34 мингта шартнома имзоланган. Ана шу шартномалар асосида 56 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот, картошқа ва полиз махсўлотлари етказиб берилди. Бундан ташқари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида 700 минг тонна махсўлот етказиб бериш, 400 минг тонна махсўлотни эса экспортга чиқариш бўйича битимлар тузилган.

Семинар

Тараққиёт йўлида

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Ўзбекистон Республикаси Ассотсиацияси билан ҳамкорликда жорий йилда «Ўзбекистон Республикаси ИИТ миллий Ассоциацияси жамгармаси грант лойиҳаларини ёзиш кўникмаларини шакллантириш» мавзусида семинар-тренинглар ўтказмоқда.

дига мақсад қилиб қўйган. Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган семинар-тренингда ана шу муҳим вазифалар ҳақида сўз юритилди. Бундан ташқари, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга кўмак беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган семинар-тренингда ана шу муҳим вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Партия кўзгуси

Бахтимиз қомусига бағишланди



«Адолат» СДП Тошкент вилояти ва Бекобод шаҳар партия Кенгашлари ташаббуси билан Бекобод шаҳри Ўзбекистон металлургия заводи қошидаги Саноат коллежида «Конституция ҳар биримизнинг тақдиримизда» мавзусида ўқув-тарбия ишлари ўтказилди.

Металлургия заводи довуругини отабоболари каби дунёга ёювчи бу ёшларга Конституция сабоқларини шу қадар чуқур ўргатиш лозимки, уларнинг ҳар бири ўз-ўзидан «Адолат» СДП аъзоси бўлишга интилиши керак. Чунки «адолат» сўзининг замирида ҳам Конституциямаздагидек қонун, устуворлиги мўжассам.

Илгирликда «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Зуҳра Ботирова сўзга чиқди. У маълумотлар билан хотин-қизларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, шунингдек юртимиз келажаги бўлиши ёшларга курсатилган гамаҳурилик хусусида алоҳида тўхталди. Фракция аъзоси Исмоил Саифназаров бахтимиз Қомусининг халқимизнинг асрий орзу-умидларига мос келиши, келажак авлодга ҳам кенг имкониятлар

Давра суҳбати

Йод етишмаслиги: муаммо ва ечимлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси ҳамкорлигида «Йод етишмаслиги ҳолати: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Кўмита раиси И.Насриев бошқарган йиғилишда юртимизда йод етишмаслиги муаммосини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилаётгани таъкидланди.



Давра суҳбатиде айтиб ўтилганидек, йод танқислиги ва унинг оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишнинг оқилона, барқарор ва узил-кесил ечими аҳолини тўлиқ йодлаштирилган туз истеъмол қилишини таъминлашдан иборат. Маълумотларга кўра, ҳозир 130 давлатда йод танқислигидан азият чекаётганлар сони бир ярим миллиарддан ошган. Дунёнинг 110 мамлакатиде бу катта муаммога айланган. Негаки, йоднинг ҳатто энг кам миқдордаги танқислиги ҳам бутун аҳолининг иш ва интеллектуал қобилиятига салбий таъсир этади. Тадқиқотларга қараганда, Ўзбекистон бўйича 2004 йилда эндемик бўқоқнинг тарқалгани болалар ўртасида 61,7, катта ёшдаги аҳоли ўртасида 52,1 фоизни ташкил этган. Йодлаштирилмаган тузлар улуши 1998 йилда 91,7 ва таркибиде йод миқдори кам бўлган тузлар 8,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткичлар тегишлича 50,22 ва 5,46 фоиз бўлган. Ҳозир Ўзбекистонда туз ишлаб чиқарувчи 65 та корхона мавжуд бўлиб, шулардан фақат 26 тасиде йодланган туз тайёрланади. Уларнинг атиги 40 фоизи лабораториялар билан таъминланган. Бундан хулоса шунки, мазкур муаммо ханузгача тўлиқ ҳал этилмаган.

Тадбирда қонун лойиҳаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассислар иштирокида муҳокама қилиниб, йод етишмаслиги касалликларни профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидланганидек, қонун лойиҳасида республикамиздаги йод танқислиги ҳолатлари ва йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари атрофида, ишонарли тарзда

ган тузнинг йодланиши мажбурийлигини қонунийлаштириш, тегишли давлат органларининг йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси соҳасидаги ваколатларини аниқлаштириш, мазкур соҳадаги низоларни ҳал қилиш, йодланган туз ва йодланган озик-овқат махсўлотларини ишлаб чиқариш, уларни қадоқлаш, ўраш ва тамгалаш, сақлаш, сотиш бўйича қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилашга қаратилган янги моддаларни киритиш тақиф қилинмоқда.

аниқ белгилаб берилган. Шунингдек, тузни мажбурий йодлаштиришни таъминлаш орқали йод танқислигини келтириб чиқарувчи касалликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир шароитларни яратишга йўналтирилган ҳолда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Беҳбуд БОТИРОВ, «Адолат» мухбири

Фаолларимиз

Ҳам партиявий, ҳам тиббий ишларда ўрнатилган Ғайрат Мойлиевнинг хизматлари туман аҳлига бирдек манзур бўлмоқда

Бу инсон ҳақида ёзсангиз арзийди. Ўз касбининг фидойиси, қолаверса, партиянинг топириқларини ҳам бекаму кўст, виждондан бажариб келаяпти, — деди «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши инқинчи котиби Аззам Каримов. Биз Қашқадарё тумани оналар ва болалар касалхонаси бош шифокори, «Адолат» СДП туман Кенгаши биринчи котиби Ғайрат Мойлиев ҳақида суҳбатлашмоқдамиз.

Тумандаги оналар ва болалар шифохонасида бўлганимизда бунга яна бир қарра амин бўлдик. Теварак-атроф довархотлар билан ўралган муассасада доволанувчилар учун барча шароитлар яратилган. Беморлар хонаси тоза ва озода. Дид билан безатилган, пештоқига 3 рақами ёзилган хонада бемор Ойбуви Жўраева меҳрибон шифокорлар кўмагида доволанаётган экан.

Дардинг отда келиб, пиёда кетиши азалдан маълум, — деди онахон мииниғида кулиб. — Қолаверса, шифокорлар Ғайрат Мойлиев, Тура Баратов, ҳамшира Менгрон Турдиеваларнинг ўз касбларига садоқатини ҳамма сезиб тураемиз. Дарвоқе, биз шу қуни кўпгина беморлар билан суҳбатлашдик. Даволанувчилар тиббиёт ходимлари хизмати ташкил қилинганлигини, фаолиятимизда ҳеч қандай талон-торожликлар ва камомадга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд эмас деб топди.

Ғайрат Мойлиев бугунги кунда нафақат тиббиётимиз фидойиси, балки «Адолат» СДП туман кенгашининг биринчи котиби сифатида ҳам аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бораёпти. Партиянинг обрўси ва нуфузини оширишга катта ҳисса қўшаёпти. Бу ҳақда унинг сафдошларидан бири, шифохонада ташкил этилган бошланғич ташкилот котиби Бердиёр Бойназаров бизга қуйидагиларни маълум қилди: — Ғайрат Мойлиев ёш бўлишига қарамай, жуда билимли, изланувчан йигит. — Мана уч йилдирки, тумани

мизда партия гоиларини кенг тарғиб этаёпти. Шу тўғрисида ҳам туманимизда партиянинг бошланғич бўғинлари сони ортаёпти. Қуни кеча йиғилиш ўтказиб, партияимизга аъзо бўлиш истагида ариза берганларга Ғайрат Мойлиев тантанали равишда аъзолик гувоҳномаларини топширди. Дарҳақиқат, туманда ҳам тиббий, ҳам партиявий соҳада олиб борилаётган ишлар талаб даражасида. Бунга партия етакчиси Ғайрат Мойлиев ҳам рад эмасди.

Ил бошдан буён 600 нафарга яқин оналарнинг саломатлиги тикланиб, меҳнат қучоғига қайтарилди, — дейди у. — Уларнинг қувончларига биз ҳам шерикмиз. Чунки беморларни даволаш бизнинг зиммамизда. Албатта, партиявий, ишларимизни ҳам жонлантираёемиз. Шу йил якунигача жойларда 20 та бошланғич ташкилот тузишга ҳаракат қилаемиз. Янги аъзо бўлаётганларнинг сиёсий етуқлиги ҳар томонлама ҳисобга олиниб, партия сафларига қабул қилинмоқда. Ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Ҳа, Ғайрат Мойлиевнинг туманда ҳам партиявий, ҳам тиббий соҳада амалга ошираётган ибратли ишлари барчага манзур бўлмаяпти. Суҳбатимиз сўнгсиде унинг юрт равнақи, эл солиғи йўлида олиб бораётган эзгу ишларига омад тиладик.

Комил САХАТОВ, «Адолат» мухбири

Ташаббускорликда гап кўп

Туманимиз асосан боғдорчилик, узумчиликка ихтисослашган. Мухтарам Юртбошимизнинг соҳани ислоҳ қилиш ва ривожлантириш тўғрисидаги Фармонларидан кейин туб ўзгаришлар рўй берди. Мавжуд боғлар, узумзорлар хусусий мулк шаклига айлантирилиб, ҳақиқий эгаларига бўлиб берилди. Мухтасар қилиб айтганда, ер эгасини тонди, мулкка муносабат узгарди.

Тахририятга хат келди

...2004 йилнинг октябрдан 2005 йилнинг октябрга қадар мен раҳбарлик қилаётган Сурхондарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тафтишдан ўтказилди. Ўтказилган тафтишлар охирида уч-тўртта камчиликлар топилди. Изоҳ ўрнида шунини айтиш жоизки, Термиз шаҳар прокуратураси мени Термиз шаҳрида вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган байрам тантаналарини ўтказиш учун катта саҳналарда фойдаланиладиган хорижий овоз кучайтиргич ускуналари ва ёриткич бенгал чирокларини ҳамда мушаклар олиб келиш учун вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган жами 49 миллион 582 минг сўм бюджет маблағини Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Карвон компани» фирмаси раҳбари М.Хусанов билан ўзаро жиноий тил бириктириб талон-торож қилганликда ва яна бошқарма биносини таъмирлашда ортыкча харажатларга йўл қўйганликда ҳамда тизимли равишда қарашли бўлган Термиз шаҳар хайвонот боғининг Жарқўрган туманидаги ёрдамчи ҳўжалигига тегишли ерларнинг беш гектарини ҳеч бир шартномасиз қўёвimgа бериб қўйиб, шунинг орқасидан мўмай даромад қўриб келаётганликда ва шунга ўхшаш айблар билан айблаган эди. Дастлабки тергов «йўқдан бор қилган» жиноий

Холислик — адолат мезони

ишнинг жуда кўп жиҳатларини Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди (29.12.2005й.) асосиде деб топди. Яъни менга ва бош ҳисобчи Н.Эргашева ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва 205-моддасининг 2-қисми «а», «в» бандлари нотўғри қўлланганлигини, фаолиятимизда ҳеч қандай талон-торожликлар ва камомадга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд эмас деб топди.

Тахририятда: Биз ҳар икки томон манфаатини ҳимоя қилишдан мутлақо ийроқимиз. Бироқ, Сурхондарё вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан нега бир муаммо икки йилдан ортық давр мобайнида қопток мисол у суддан бу судга ўтказилиб келинмоқда? Қолаверса, суд ҳукми қонуний қула кийми туриб вилоятда узоқ йиллар нуфузли идора раҳбари бўлиб ишлаган А.Иброҳимовнинг мавтубонда танқид остига олинishi замирида не сир-синаот бор? Ана шу адоги йўқ саволларга балки ҳуқуқ-тартибот органлари қонуний жавоб беришар...

вилоятда нуфузли газетачи мақола эълон қилиниши мени шаъним, Конституциявий ҳақ-хуқуқимни паймол этиш эмасми? Қолаверса, бу нуфузли газета масъуллари айбсизлик презумциясини менсимайдимми? Бир нарсани яхши англашимиз керакки, хурматли Президентимиз инсонпарварликка асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришининг мазмун-моҳиятини тушунирар эканлар, ушбу мавзудаги қатор маърузаларида бир пурҳикмат гапни такрор ва такрор таъкидлайдилар: халқимиз, аинқиса оддий одамлар тасавурида ҳуқуқ-тартибот, милиция, прокуратура, суд деганда аллақандай дилга ваҳима соладиган, жазаоловичи органлар эмас, балки ҳуқуқий кўмак берадиган, адошганларни тарбиялайдиган идоралар ва уларнинг етуқ ходимлари жонлансин.

Абдурауф ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Қонун лойиҳаларига нуқтаи назар

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ушбу модда ёрдамида, — деди ўз маърузасида давом этар экан нотиқ. — Мансабдор шахслар томонидан бюджет маблағлари ёт мақсадларда талон-торож қилинишининг олдини олишга, маблағлардан ўз мақсадида, самарали фойдаланишга эришиш кутилмоқда.

Шундан сўнг фракция аъзоларидан Худоев Мамадов, Абдулла Абдуназаров ушбу моддага қўриқидигидек хатти-ҳаракат иккинчи марта содир этилган тақдирда мансабдор шахсга нисбатан янада кескинроқ жазо қўлланилиши тўғрисидаги қўшимча киритиш ҳақида тақлиф киритишди.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўйича Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Панжи Журев маъруза қилди. Таъкидланганидек, лойиҳада асосан бюджет маблағларини самарали сарфлаш ва унинг янада шафқатлиги таъминлаш мақсадида ҳисоб палатаси томонидан давлат бюджетининг даврий ҳисоботи аниқ мuddат ичида, яъни ҳар йилнинг 15 сентябрдан 1 октябрга қадар Молия вазирлигига тақдим этилиши белгиланмоқда. Молия вазирлиги эса ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига, Маҳкама эса Олий Мажлисга муҳокама учун беради. Шунингдек, ҳисоб палатаси ўз ҳисоботидан келиб чиқиб, келгуси йилнинг солиқ ва бюджет сиёсати бўйича



тегишли хулосаларини тақдим этишга маъсул.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Сангинулла Маҳмудов сўзга чиқиб, ҳозирги кунда баъзи қонун ва қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритишнинг давр талаб этганини таъкидлади. Хусусан, “Қимматли қозғалар бозори тўғрисида”ги

қонунга ҳар қандай очик акциядорлик жамияти облигация чиқаришга ҳақлиқлиги тўғрисидаги моддани киритиш иқтисодий тизимини янада ривожлантиришга сезиларли туртки бўлади.

“Мул ҳаракат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Маҳмуд Маҳмамов батафсил маълумот берди. Шундан сўнг фракция раҳба-

ри Дилором Тошмуҳамедова йўлбарҳларнинг эътиборини партияннинг келгуси ташкилий режаларига қаратди. Жумладан, фракция раҳбари вилоятларда партия Пленумларини зудлик билан ўтказилишини, уларнинг аниқ сана ва мавзularини белгилаш олишга таъминлаш, қолаверса жойларда умумпартия пленумига амалий таъйирилик кўриш лозимлигига алоҳида ургу берди.

Саодат ЖАББОРОВА, “Адолат” мухбири

Фаолият

Миллий маҳсулот стандарти

Маҳсулот сифати, харидорлиги, истеъмол бозоридида бемаъл рақобат қила олиши кўп жихатдан унинг давлат стандарти талаблари асосида ишлаб чиқарилаётганига боғлиқ. Жиззах синов ва сертификатлаштириш маркази ходимлари маҳсулотларнинг давлат стандарти талабларига мос равишда ишлаб чиқарилишини таъминлаш мақсадида саноат ҳаракат курсатишмоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича ўтказилган ишлар натижасига кўра, ишлаб чиқарувчиларга 1171 та мувофиқлик сертификати берилди.

Мамлакатимиз галла мустақиллигига эришгач, ўз донини четга экспорт қила бошлади. Албатта, унинг сифатини таъминлашда марказ ходимларининг ҳам хизматлари беқийс. “Жиззахдонмаҳсулот”, “Дустликдонмаҳсулотлари”, “Зарбдор Элеватори” ОАЖлари томонидан жўналиётган маҳсулотлардан намуналар олиниб, сертификатлаштириш ишла-

ри олиб борилди. Натижада вилоятдан жами сифатли 2214,5 тонна биринчи навли ун ҳамда 1489,5 тонна бугдой экспорт қилинишига эришилди.

Умуман, марказнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини синов лабораториясида 2345 та синов ўтказилди. Шундан 1643 таси сертификатлаштириш мақсадида, қолган 702 таси синов-инспекцион назорат доғрида ва маъмурий идоралар томонидан тақдим этилган маҳсулотлар юзасидан бўлиб ўтди. Натижада 64 та ҳолатда 28653816 сўмлик маҳсулотлар меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Масалан, “SHAX” хусусий фирмасида ишлаб чиқарилаётган биринчи навли макарон сифати талаб даражасида эмаслиги туфайли мувофиқлик сертификати бекор қилинди. Шундай экан, тадбиркорлар вазифасига масъулият билан ёндошиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай маҳсулот сифатини миллат,

мамлакат шаъни, дея баҳолаша фойдадан холи бўлмас эди.

— Бугунги кунда корхона ва ташкилотларда сифат бoш меъзон саналади, — дейди синов ва сертификатлаштириш маркази директори Хуршид Абдусамиев. — Шу боис, Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналарда ҳалқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам амалий ишлар бошлаб юборилган. Ҳозирда “Жиззах Пластмасса” ОАЖда сифатни бошқариш тизимларини сертификатлаштириш учун миллий тизимда аккредитациядан ўтган органлар билан музокаралар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, вилоятдаги “ЛРС Пласт” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси билан сифатни бошқариш тизимларини босқичма-босқич жорий этиш учун 2006-2008 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди.

Давур ЖОЗИЛОВ, “Адолат” мухбири

Бунёдкорлик

Улуғ мақсад йўлида

Азал-азалдан йўл қурган, кўприк барпо этган, бинолар бунёд қилган кишилар элда азиз саналган. Абдулбори Умаров ҳам шундай инсонлар тоифасидан. Кўп йиллик билим ва тажрибасига таяниб, 2003 йилда «ААБ-дубборий» хусусий қурилиш фирмасига асос солиди, гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Таъкидлаш лозимки, қурилиш фирмаси фаолиятини йўлга қўйиш осон кечмади. Лекин оқилона иш юритиш ўз самарасини берди. А.Умаров аввало, фаолиятини банкрот ёқасига келиб қолган гишт заводини хусусийлаштириб, янги иш ўринлари яратибдан бошлади. Ишни бир маромда ташкил этиш учун эса заводни қайта жиҳозлаш, қўшимча ускуналар жорий этиш талаб этиларди. Банкдан локализация дастури асосида ажратилган 105 миллион сўм ссуда эвазига муаммолар барҳам топди. Аини пайтда бу ерда 100 нафардан ортиқ киши доимий иш билан банд. Иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, ҳозирда бир кечакундузда 20-25 миң дона пишиқ, гишт ишлаб чиқаришмоқда.

Хусусий корхона ишлари анча жонланиб кетди. Қурилиш омушларини ҳам удалаш мақсадида эски қурилиш ташкилоти худудида бекор ётган бетон қорих агрегати, кўтарма қранлар сотиб олинди. Қарабиски, яна қўшимча иш ўринлари яратилди, қишлоқ ёшлари муқим иш билан таъмин-



ланди. Қурилиш ишларининг тез сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашда, албатта, техника қўнига таянилади. Хусусий фирма тасаруфиди аини пайтда 15 га яқин барча русумдаги автотранспорт воситалари бор.

«ААБ-дубборий» хусусий фирмаси Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури тўғрисида»ги Фармонидан сўнг, вилоятда янги қуриллаж, жорий, капитал таъмирланиши, реконструкция қилиниши кўзда тутилган илм масканлари бўйича тендерларда иштирок этиш истагини билдирди.

— Бундай улкан бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшиб биз учун шараф, — дейди А.Умаров. — Атоқли аллома Маҳмудхў-

жа Беҳбудий илм масканларини дунё иморатларининг энг улуғи ва қурками, дея беҳиз таъриф бермаганлар. Муҳандислик, коммуникация инфратузилмаси тубдан янгиланган ушбу иншоотлар ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳасиз.

Жорий йилда А.Умаров бошчилигидаги қурувчи-бунёдкорлар Минбулоқ туманидаги 12-, 43-мактабларни капитал реконструкция қилиб берди. 2007 йилда ҳам 2 та илм даргоҳига замонавий кўрамлик бино эйтиш ниятида тендерда иштирок этиш истагини билдирди. Келажакда хусусий фирма аҳолига автосервис хизматини ҳам йўлга қўйишни эйтишни режалаштирган.

Носир ХАЙДАРОВ, “Адолат” мухбири

Зарар мансабдордан ундирилди

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Чирчиқ шаҳар бўлими “Салтанат-Люкс” фирмасига хомашё ва ускуна сотиб олиш учун кредит ажратадиган бўлди. Кредит маблағига таянган фирма раҳбари Абубакир Анорбоев орадан ўн икки кун ўтгач, ускуна сотиб олиш учун “Бургут” фирмаси билан шартнома тузди. Лекин фирма раҳбарининг қувончи узоққа чўзилмади. Чунки банк кредит шартномасини ижро қилмасдан бир томонлама бекор қилди.

— Ваҳоланки, ўртада тузилган ҳужжатга кўра шартнома икки тарафининг келишуви билан бекор қилиниши белгилаб қўйилган, — деди Тошкент вилояти Адлия бошқармаси ходими Иброҳим Ҳотамов. — “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига асосан тадбиркорга етказилган зарарнинг ўрни бу зарарни етказган шахс томонидан тўла ҳажда, шу

жумладан бой берилган фойда қўшиб қопланиши керак. “Салтанат-Люкс” фирмаси раҳбари адлия идорасига муурожаатда “Бургут” фирмаси билан тузган шартнома мажбуриятларининг бажарилмаи қолганлиги туфайли жами 4 миллион 833 миң сўм моддий ва маънавий зарар қўрилганини баён этган. Бунинг оқибатида тадбиркорнинг ишчанлик обрўйига ҳам путур етган.

Вилоят адлия бошқармаси тадбиркорнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманларор судига даъво ариза киритди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра тадбиркорга етказилган жами 1 миллион 692 миң 117 сўм моддий зарар “Ўзсаноатқурилишбанк” нинг Чирчиқ шаҳар бўлими бошқарувчиси ва кредит бўлими бошлиғи ҳисобидан ундириладиган бўлди.

“Туркестон-пресс”

Қарор ва ижро

Касаначилик афзалликлари

Давлатимиз раҳбари Илмом Каримовнинг шу йил 5 январда қабул қилинган “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Кумқўрган туманидаги саккизта корхонада касаначилик йўлга қўйилиб, 150 га яқин янги иш ўрни яратилди. Касаначиларнинг асосий қисми аёллар экани эътиборга молик.

Аини пайтда “Сурхон пармалаш ишлари” акциядорлик жамиятида уй меҳнатига жалб этилган етти нафар аёл тикувчилик билан шуғулланмоқда. Улар бурюрма асосида ишчи қийимларини тикиб, рўзгордан ажралмаган ҳолда даромад топмоқдалар. “Кумқўрган МТП” акциядорлик жамияти билан шартнома тузган беш нафар хотин-қиз тўқитган кигиз ва гиламлар қисқа фурсатда харидорлар назарига тушди. “Сурхон комбинати” акциядорлик жамиятида эса ундан зиёд касаначи шартнома бўйича тайёрлаётган тикувчилик маҳсулотлари бурюртчиларга узлуқсиз етказиб берилаётир.

Уй меҳнатини ташкил этиш эвазига тежаляётган маблағ корхоналарнинг иқтисодий ривожини таъминлашга, ишчи хизматчиларни, жумладан, касаначиларни ҳам рағбатлантиришга йўналтирилаётир. Бу эса уларни янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

Х.МАМАТГАЙИМОВ, “Адолат” мухбири

Ҳамкорлик

“Микрокредитбанк” сармояси — осон ва беминнат

Пастдаргом туманидаги бир йўла иккита — «Имконият сари» ва «Омонжон Наврўз» фермер хўжаликлари лизинг сармояси асосида янги тракторлар сотиб олишди. Бу имкониятни эса «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими муҳайё этди.

Дарвоқе, қишлоқда аграр ислохотларни амалга ошириш, фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракатини кўллаб-қувватлашда банк фаол иштирок этмоқда. Мазкур молиявий муассаса тузилгандан буюн ўтган қисқа вақт мобайнида миҳозларга салкам 91 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари берилди. Бу сармоялар асосида унлаб фермерлар айланма маблағларини шакллантириш, техника ва эътиёт қисмлар сотиб олишга муваффақ бўлишди.

— Интилишларимиз миҳозлар билан ишончли ва самарали ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган, — дейди банк бошқарувчиси Ориф Алиев. — Биз уларнинг биринчи муурожаатлариданоқ муаммоларини осон ва тежда ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Зарур ахборотлар билан таъминлаймиз. Шу боис миҳозларимиз сони ортиб бормоқда.

Чиндан ҳам бугун мини банк 730 нафар хўжа-

лик юритувчи субъектга хизмат кўрсатмоқда. Шундан салкам 600 нафарини янги тузилган фермер хўжаликлари ташкил этди. Табиийки, янги рўзгорнинг ташвишлари кўп бўлади. Ҳамма ишни удалаш учун маблағ, имконият етишмовчилиги мумкин. Аини шу ҳолатни иллаган банк маъмурияти фермерларга ҳисоб-китобларни тўғри юритиш, ҳаражатларини назорат қилиш ва уларга зарур молиявий ёрдам кўрсатишда янги-янги ташаббуслар билан чинмоқда. Тумандаги «Бурганли», “Ҳайит Раҳмат — Завқиддин” фермер хўжаликлари шундай ёрдам туфайли бошлангич сармояларини шакллантириб мол-мулкни бўлишди. Бундай миқдорларни кўллаб келтириш мумкин. Қишлоққа саноатни олиб кириш, хусусан мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган ихчам технологияларни харид қилишда ҳам банкнинг тадбиркорларга ёрдами сезиларли бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фермер, тадбиркорларга истеъмол бозорини арзон ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирish имконини бермоқда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, “Адолат” мухбири

Фермер — бош ҳомий

Очил Бойқуловнинг мутахассислиги олим-агроном. У узоқ йиллар хўжалик бош ҳосилоти вазифида ишлади. Мустиқилликнинг дастлабки йиллари кўплар қатори “Сардор-1” номли фермер хўжалигини ташкил этди.

Фермер, бир неча йилдирки, 90 гектар ер майдонида пахта, галла етиштириб, мўмайгина даромад олаятти. Даромадга яраша бурюмад, деганларидек, саҳоватли фермер кўллаб хайрли ишларга кўл ураётир. Хусусан, яқинда туман Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлими қошида “Бахт уйи” кўрди. Қолаверса, фермер ўз хўжалиги аъзолари-

нинг бош ҳомийси. Механизатор Алишер Уразқуловнинг тўйига бош-қош бўлди. Тўй ҳаражатлари фермер хўжалиги ҳисобидан ажратилди. 4 та кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 500 килодан бугдой улашилди.

Дала бошида ихчамгина дала шийпони қурилиб, ишчиларнинг иккинчи уйига айлантирилган. Дарвоқе, фермер хўжалиги қошида ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил этилган. Унда 50 бош қўй, 3 бош соғин сигир парваришланмоқда. Чорва ва сабзавот маҳсулотлари ҳам фермер даласида етиштириляпти.

В.НОРҚУЛОВ

Парламент сабоғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари қандай тартибда сайланади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери сайлашдан бошланади. Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун депутатлар орасидан кўпчилик билан ўн беш кишидан иборат Оқсўқоллар кенгаши тузилади, мазкур кенгаш ваколатлари Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланган кунгаиди.

Оқсўқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги тақлифини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси киритади.

Оқсўқоллар кенгаши таркиби: Марказий сайлов комиссиясининг Раиси; депутатлик фаолиятида катта тажрибига эга бўлган, ёши энг улуг депутатлар; Қонунчилик палатасига сайланган сиёсий партиялар депутатларининг вакиллари; Қонунчилик палатасига сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатларнинг вакиллари киритилади. Оқсўқоллар кен-

гашининг таркиби тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Оқсўқоллар кенгаши Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимига номзодларни, қойда тариқларини олган депутатлик ўринларини олган депутатлар билан кўпчилик билан қабул қилинади. Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайланган ҳисобланади.

Оқсўқоллар кенгаши томонидан Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари лавозимига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш қўшимчилик палатаси Спикерини сайлаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг сони Оқсўқоллар кенгашинининг тавсияси бўйича Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси

Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади, қарорларни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

2. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қандай ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек палатанинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатаси умумий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан баёнотлар ва муурожаатлар билан чиқиши мумкин, улар палатанинг қарори билан расмиийлаштирилади.

Қонунчилик палатаси қарорлари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятининг ҳуқуқий асослари” қўшимчаси. © Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳуқуқий Ассамблеяси қўриқ ҳужжатлари мониторингини институт, 2006.

Қилмиш-қидирмиш

Ҳуқуқбузарликка чек қўйилмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Департаментимиз томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида Департамент ва унинг жойлардаги бўлиmlари томонидан 37 миллиард 835 миллион 620 миң сўмлик ноқонуний товар-пул айланмаси аниқланиб, айбдорларга нисбатан 2 миллиард 48 миллион 807 миң сўмлик молиявий жаримлар қўллангиди.

Ўтказилган текширувлар таҳлилига кўра, кўпчилик тадбиркорлик субъектлари харидорларга харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун назорат-касса машинасидадан фойдаланмасдан ҳамда савдо-сотқидан тушган нақд пул маблағларини банк муассасаларига топширмадан фаолият юритаётганлиги маълум бўлди. Хусусан, 11 миллиард 765 миллион 198 миң сўм миқдоридидаги маблағ харидорларга чек уриб берилмасдан, 18 миллиард 179 миллион 995 миң сўмлик маблағ эса банк муассасаларига топширилмасдан қолгани аниқланди. Шунингдек, махсус рухсатномасиз спиртли ичимликларни сотиш, улгуржи товар сотиш тартибини бузиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Мисол учун, “Гулом-Гузари” МЧЖ раҳбари

дорларга харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун назорат-касса машинасидадан фойдаланмасдан ҳамда савдо-сотқидан тушган нақд пул маблағларини банк муассасаларига топширмадан фаолият юритаётганлиги маълум бўлди. Хусусан, 11 миллиард 765 миллион 198 миң сўм миқдоридидаги маблағ харидорларга чек уриб берилмасдан, 18 миллиард 179 миллион 995 миң сўмлик маблағ эса банк муассасаларига топширилмасдан қолгани аниқланди. Шунингдек, махсус рухсатномасиз спиртли ичимликларни сотиш, улгуржи товар сотиш тартибини бузиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Мисол учун, “Гулом-Гузари” МЧЖ раҳбари

3. Зокирова улгуржи савдони амалга оширишга рухсат берувчи гувоҳнома қалбақлаштириб, 192 миллион 445 миң сўмлик харидордор маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотиб олиб, савдодан тушган нақд пулни банкка топширмаган. 3. Зокировага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Қиссадан ҳисса шукки, тадбиркорлик билан шуғулланаман деган ҳар бир шах амалдаги қонун-қондалар асосида иш олиб борсагина ўйлаган ниятига етади. Акс ҳолда...

инспекцияси жисмоний шахсларга солиқ солиш ва назорат бўлими ходимлари томонидан шу йилнинг 10 ойи давомида яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 892 нафар фуқаро рўйхатга олинган бўлиб, улардан 84427,0 миң сўм даромад солиғи ва 25501,2 миң сўм пенсия бадаллари ундирилиб олинган.

Бирок, гуруч қурмақсиз бўлмаганидек, баъзида солиқ тўловларини ўз вақтида тўламай мўмай даромад қиланман, дейдиганлар ҳам учраб турибди. Туманнинг Алакўйлак қиш-

логиди яшовчи фуқаро Ҳктам Самадов ҳам ана шундайлардан қилиб қолди. У анчадан бери ноқонуний равишда ўз хонадонига яширин цех ташкил этиб, фаолият юритган. Сохта тадбиркор солиқчиларнинг саволларига жуъли жавоб беролмай, ҳужжатсиз иш олиб боргани учун ўз уйидаги 812 килограмм чигит, 17 килограмм пахта, 1 дона қиғитлаш ускунаси, 4 дона чигитлаш ремени ва генератордан айрилди. Энди у қонун олдида жавоб бериши аниқ.

С.КОМИЛОВ

Таълим

Мактабга эътибор — келажакка эътибор

Туман халқ таълими бўлими тасарруфида ҳозирги вақтда 42 та мактаб, 4 та ихтисослашган иқтидорли болалар мактаби, 6 та мактабдан ташқари муассасаси, 1 та БУСМ, 1 та футбол мактаби, шунингдек, 45 та мактабга таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 40300 дан ортиқ ўқувчи, 5300 нафар кичиктоилар таълим-тарбия олмақда.

Мактабга таълим узлуксиз таълим тизимининг муҳим босқичи саналади. Туманимиздаги МТМларда тарбияланувчиларга барча шароит яратилган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичида амалга ошириладиган вазифаларни самарали бажариш мақсадида етук малакали мутахассислар сонини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил 17 нафар ўрта махсус маълумотли педагог олий ўқув юртига ўқишга кирди. Унлаб педагог-тарбиячиларимиз эса режа асосида Тошкент ва

Фаргона шаҳарларидаги олийгоҳларда малака ошириб қайтди. Илгор иш тажрибаларини омаллаштириш мақсадида йўналтирилган бир неча вилоят семинарлари мубоф-фақиятли яқунланди.

Ўқувчилар ўртасида спортни омаллаштириш мақсадида таълим муассасаларимизда унлаб тугараклар ишлаб турибди. Замонавий қўлайликларга эга бўлган спорт мажмуалари спортсевар ёшлар ихтиёрида. Шунинг учун ҳам ўқувчиларимиз вилоят, республика микросидаги беллашувларда, айниқса, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида мактовга арзигulik натижаларга эришмоқдалар.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан бир қатор ишлари олиб борилган. Хусусан, ўқув йили бошида фахрий педагоглар ҳолидан хабар олинди. Кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул дарсликлар тарқатилди. Ногирон ўқувчиларга эса Қизил Ярим Ой ҳамияти томонидан 350 минг

сўмлик ўқув қуроллари, ота-оналар, ўқитувчилар ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан 3 миллион сўмликдан ортиқ бадий адабиётлар олиб берилди. Ўзгича мавсумда эса 46 нафар ўқувчи соғломлаштириш масканларида дам олдирилди. Бу борада олиб борилаётган хайрли ишларимиз йил охирига қадар давом этади.

Таълим самарадорлигига эришиш, ўқувчиларнинг келажакда қомил инсонлар бўлиб вояга етишишни таъминлаш — бугунги кун талаби. Шу сабаб ҳуқуқ-тарғибот органлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жағғаримаси ҳамда Тарғибот марказлари билан доимий ҳамкорликда ўқув муассасаларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Натижада ўсмир ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони сезиларли қайишишига эришилмоқда.

Т.ТОЖИЕВ,
Олтириқ туман халқ таълими бўлими mudiri

Тиббиёт

Аҳоли саломатлигини кўзлаб

Инсон табиаати қизиқ. Бирор хасталикка чалингудек бўлса, дастлаб ўзича у-бу дорини инган бўлади. Дард оғирлашса шифокорга мурожаат қилади. Шифокор ўтказиб юборибсизку, деса аксарияти шаҳарларда жойлашган тиббиёт масканларига даво излаб чопишади.

Кейинги йилларда қишлоқ тиббиёт масканларида ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, даволаш-профилактика жараёнлари сифатини ошириш, мавжуд биноларни реконструкция қилиш, замонавий ускуналар ўрнатиш, дори-дармон таъминоти, врач ва ўрта тиббиёт ходимларининг касб малакасини юксалтириш борасида кўпгина ишларни амалга оширишга эришдик. Қисқа вақт ичида нафақат марказий касалхона, балки аҳолининг узогини яқин, мушкулни осонлаштириш учун хизмат қилаётган мавжуд 17 та қишлоқ врачлик пунктларидан 15 таси тўлиқ таъмирланди. Натижада биринчи ёрдам ва стационар даволашни учун ҚВЛларимиз барча шароитларга эга бўлди.


Ёлғиз фуқаролар, пенсионерлар

ва ногиронлар ҳар доим ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ҳисобланади. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида ҳозирга қадар қариб 12 минг 500 нафар қариялар, 1000 нафардан ортиқ ногиронлар шифо масканлари, сиратгоҳларда, айримларини ўз уйларида даволанди. Ногиронларга 18 та аравача, 5 та қўлтиқ, 2 та эшитиш аппарати тарқатилди. 29 нафар беморга тиш протези қўйилди.

Гинетал касалликларни аниқлаш мақсадида ўсмир қизларимиздан қариб 34 минг нафарини, туғиш ёшидаги аёллардан 45 минг нафарини тиббий қўриқдан ўтказиб, соғломлаштирдик.

Бундан беш йил муқаддам муаммоларимиз кўп эди, ҳозирга келиб уларнинг аксарияти барҳам топди. Барча бўлимларимиздаги хизмат даражаси тақомиллаштирилди. Бугунги кунда даво излаб келган беморнинг белгиланган муддатда соғайиб чиқиб кетиши учун шароитларимиз етарли.

Мансур РАҲИМОВ,
Ўзбекистон тумани марказий шифохонаси бош врач



Олов ўз-ўзидан ёнмайди

Ёнғин ўз-ўзидан эмас, балки биз инсонларнинг лоқайдлигимиз туфайли содир бўлади. Айниқса, ёш болаларни уйда қаровсиз қолдириш, чиқинди ва хазонларни ёқиш, газ ва электр асбобларини хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан ишлатиш оқибатида давлат ва жамият, фуқаролар манфаатига жиддий пу-тур этади.

Туман ёнғин хавфсизлиги ходимлари фуқаролар, талаба ёшлар мактаб ўқувчилари ўрта-сида тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб бормоқдалар. Натижада ёнғинлар сони бирмунча қамаяётир. Мисол учун, шу йилнинг 10 ойи давомида туманимизда 45 та ёнғин содир бўлди, улардан 72000 сўм моддий зарар кўрилди. Бу аввалги йилларга нисбатан анча камдир.

Миреултон НОСИРОВ,
Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи

Янги кўникма маркази

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўникма чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ижросини таъминлаш борасидаги савий-ҳаракатларда «Адолат» СДП Сирдарё вилоят Кенгаши ҳам фаолият кўрсатмоқда. Хусусан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, оила ва жамиятдаги ўринини юксалтириш, бу борада уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётган кувонарли ҳол.

Яқинда «Адолат» СДП вилоят кенгаши ташаббуси билан Ширин шаҳрида «Аёллар кўникма маркази» фаолият кўрсата бошлади. Марказ биносини қуриб фойдаланишга топширишда шаҳар ҳокимлиги, Сирдарё иссиқлик станцияси раҳбарияти ва станция қурувчилар бригадаси гайрат-шижоат кўрсатишди.

Марказнинг очилиш маросимида вилоят партия Кенгаши котиби Тожиҳон Гаффарова иштирок этиб, муассасани бунёд этишда жонқурлик кўрсатган фидойи инсонларга миннатдорчилик билдириб, бир гуруҳ фидойи қурувчиларга «Адолат» СДПнинг эсдалик совғаларини топширди.

И.Худойқулов

Хотира

Машҳур наққош, моҳир қурувчи

уста **Абдулла Болтаевни хотирлаб**

Юртимизнинг қадимий шаҳарларида истеъдодли ўзбек меъморлари томонидан бунёд этилган тарихий обидалар билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади. Аждодларимиздан маданий ва меъморий мерос сифатидаги бу обидалар ўзининг гузаллиги, қурилиш услуби, мустаҳкамлиги ва умрбоқчилиги билан асрлар оша хорижий сайёҳларни ҳайратга солиб келмоқда.

XX аср бошларида ўзининг бинокорлик ва наққошлик ҳунари билан халқ орасида танилган устлардан бири Абдулла Болтаев 1896 йили Хива шаҳрида устоз-оиласида таваллуд топган. Унинг отаси ўз замонасининг машҳур бўёқчи-наққош устаси бўлиб, Хива хонлигига қарашли шаҳарлардаги саройлар, қасрлар, уй-жойларни безашда, шунингдек, масжид ва мадрасаларни, мақбараларни қуришда уша даврнинг машҳур усталари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилган. Унинг фарзанди Абдулла ёшлигидан эски мактабда таълим-тарбия олиб савод чикарган, кейин эса мадрасада билиминини оширган.

Ёш Абдулланнинг савод чикариб, ҳусниҳат урганишида замонасининг ийрик шоири, ҳаттот ва наққош Абдуразақ Фақирнинг хизмати катта бўлган. Абдуллада ёшлигидек Хиванинг Ичон қалъасида жойлашган тарихий обидалар,

жумладан, Тошховли, Пахлаван Маҳмуд макбараси, улардаги гузал, бетакор нақшлар наққошлик кизиқишини орттирган эди. Қисқа вақт ичида у отаси ва устозидан расм чизиш, сир, бўёқ ва қоғоз тасвирлаш ҳунарларини пухта ўрганиб, 1920 йилдан ўзи мустақил ишлаш бошлади. Абдулла Болтаев Хива обидаларининг лоҳжасида қоғозда ва улардаги бўёқлар, сернақш минораларнинг қурилиш услуби, тарихий-меъморий бинолардаги қўрғинмай қолган нақшларни, ёзувларни тик-лашга ҳам катта эътибор берди. Хивалик машҳур наққош Ота Полвонов билан бирга Тошховли саройининг айвонлари, шиллари ва саройининг қабулхонаси безакларини, ёғоч эшик ва устунларини гузал, нафис нақшлар билан безаб, қайта ҳаёт бағишлади.

Абдулла Болтаев иштирокида Қўҳна Арк, Нуруллабой саройи, Хива Жума масжиди, Пахлаван Маҳмуд макбараси ва бошқа меъморий ёдгорликлари сифатли таъмирланган. 1946-1947 йилларда Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги театр биносининг залини безаган усталарига раҳбарлик қилган. Бу ижодий иши ва наққошлик санъати соҳасидаги самарали хизматлари учун Абдулла Болтаев 1948 йили давлат мукофотига сазовор бўлди. Ажойиб истеъдод эгаси, машҳур наққош, қурувчи

ва таъмирчи уста Абдулла Болтаев ўз ижодий фаолияти давомида унлаб иқтидорли, муносиб шогирдлар тайёрлади.

Абдулла Болтаев фақат бинокорлик ва наққошлик билан машғул бўлмади, кўлэзма асарлар, тарих ва адабиёт билан ҳам шуғулланди. Хоразм вилояти ўлка-шунослик музейида илмий ходим бўлиб ишлаган вақтда ноёб китоблар, тарихий ҳужжатлар, турли даврларда зарб этилган тангалар, заргарлик, мисгарлик, ёғоч ва мрамарга бадий ишлов берилган буюмларни тўплаб, музей хазинасини бойитди. У тўплавон ва кўчирган биргеза, девонлар, тарихий китоблар адабиётшунос ҳамда тарихчи олимлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Машҳур безакчи-наққош уста, Ўзбекистон халқ rassomi Абдулла Болтаев 1966 йили Хива шаҳрида 70 ёшда вафот этди.

Қўллаб тарихий-меъморий обидаларни қуришда, таъмирлашда ўз хиссасини қўшган, маданий ва илмий меросини тўплаб ўрганган Абдулла Болтаевдан «Хоразм тарихи материаллари», «XVII-XX асрлар Хоразм адабий муҳити» каби қимматли кўлэзма илмий ишлар мероси бўлиб қолди. Абдулла Болтаевнинг ижод намуналари Москва, Петербург, Тошкент ва Хива музейларида сақланмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Маънавият сабоқлари

Тилда ўзиники, амалда ўзганики

Миллий ва маънавий кадр-иятларимизда шарқона донолик мужассам. Дунёдаги ўзгаришларга муносабатимиз, миллий гуру-римиз — барча-барчаси шарқ-фалсафасининг гузаллиги, шарқона донолик билан сугорилган. Шу боис сунъий равишда кири-тилган ёки ихтиёрий равишда кириб келаётган ҳаётий мезон-лар биз учун ёт. Улар Гарбнинг, яъни "маърифий дунё"нинг ин-дивидуал эркинликка асосланган ҳаёт тарзи сифатида замонавий-лик мақомига сазовор бўлган. Аммо биз ҳар қандай ҳолатда ҳам миллий ва маънавий кадр-иятлардан чекинмаслигимиз керак.

Шубҳасиз, бугунги кунда ҳар бир ўзбек ўзини Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Ясавий, Амир Те-мур, Мирзо Улуғбек, Алишер На-воий, Бобур каби улуг алломалар, саркардалар, шоиру, олим-лар авлодиданман, деб фахрла-нади. Матбуотимиз дунё тан ол-ган ана шу зотларни улуглаётир. Бу табиий ҳол, албатта. Бобола-римизга хос бўлган фазилатлар — ҳалоллик ва поклик, эзгулик ва саховат, мурувват ва камбағал-парварлик, мардлик ва жасорат, тўғрилик ва қатъият, эътиқод ва садоқат биз учун ибрат мактаби. Бирок биз улардан ибрат олаёл-тимизми? Миллий ва маънавий кадр-иятларимиз ҳаётимизга, онгимиз-га қай даражада сингаляпти?

Назаримда, бу саволларга ҳар биримиз ўз маънавиятимиздан, ўтмишимиз-у бугунимизни, масла-гимиз-у насл-насабимизни қай да-ражада билишимиздан, шарқона доноликнинг моҳиятини қандай англашимиздан келиб чиқиб жа-воб ахтаришимиз лозим. Шундай экан, миллий кадриятларимиз тик-ланиб, мустаҳкамланиб бораётган бугунги кунда улуг боболаримиз билан фахрланиб қолмай, улар-дан ибрат олишимиз даркор.

Очигини айтиладиган бўлсак, бугун баъзан харидорни алдаган сотувчи ёки ҳадяга ҳирс қўйган домла, виждонини сотган таъма-гир бошлик ёки миллий гурури йўқ, она тилини билмайдиган манкурт ҳам "Менинг Имом Бу-хорийдек бобом бор", "Баҳовуд-дин авлодиданман" деб кўкраги-га уриб мактанганини эшитган-нингизда, кўрганингизда ҳайратла-нсан киши. Шундай пайта: "Ху, биродар улуг боболар билан ар-монсиз фахрланаясиз, бирок ҳаётда улардан ибрат олаёл-тимизми?" дейдиган орам топилмай-ди. Шарқона маънавият деганда биз, аввало, одобни, тўғриликни, бировга яхшилик қилишни, сахо-ватпешаликни, камтарликни, аза-лий иудум ва аъёналаримизга амал қилишни тушунаемиз. Озо-дликка эришганимиздан кейин миллий маънавиятнинг бу тар-тиб-қоидаларига кўпроқ амал қилиб бошладик, унутганларимиз-ни ҳамда таққиланганларини эса қайта тикладик. Энг муҳими, Ва-тан озодлиги миллийликнинг барча кўринишларига, шарқона турмуш тарзининг барча қонуни-

ятларига кенг йўл очиб берди. Шунга қарамадан миллий ва маънавий кадриятларнинг ҳаёти-мизга сингиб бориши, назарим-да жуда секинлик билан бораёл-ти. Биз индивидуал эркинликка, яъни бировнинг фикри ёки мас-лаҳатига қулоқ солмай ўз билга-нича ҳаракат қилишга ва оғизга келганини гапириб, хоҳлаганини бажаришга асосланган гарб ки-шисига хос одатдан воз кечол-маяпмиз. Бу, айниқса ёшлар ҳаётида яққол кўзга ташланиб турибди. Биров топганига қаноат қилса, биров тўқин дастурхони кўз-кўз қилиш билан макта-няпти, биров қариндош-уруғи даврасида камтарона никоҳ ба-змини ўтказаятган бўлса, бошқа биров неварасининг тугилган ку-нини ресторанда тантанали ўтказ-ганлиги билан мағрурланаяпти. Буларнинг ҳаммаси миллий кадр-иятларимизга, шарқона донолик-ка зиддир. Мана бир мисол. Мус-тақилликнинг дастлабки йилла-рида никоҳ маросимларини мил-лий аъёналаримизга мос рўхта-утказиш бўйича яхши ташаббус бошланган эди. Ушунда бу та-шаббус Тошкентдаги кўпгина ма-ҳаллаларда, вилоятлар ва туман-ларда оммавий тус ола бошлади. Биз келин-куёвларни миллий ли-босларда кўра бошладик, яна "ёр-ёр"лар авжига чиқди, дастур-хонлар миллий таомлар билан безатилди, тўйхонани миллий оҳанглар сеҳрлаб олди. Бирок бу ҳолат узокқа бормади. Ҳозир утаётган тўйларда келин-куёвлар-ни миллий либосларда камдан-кам ҳоллардагина кўрсатиб. Акса-рият ҳолларда келин-куёвлар ев-ропача либосларда. Ҳаётда бир марта бўладиган никоҳ тўйи — шундай бахтли дамларда қандай қилиб унлаб, юзлаб одамларнинг бадани теккан, яъни ижарага олинган қўйлақ ёки костюм-шим-ини кийиш мумкин? Ундан кўра ҳар иккала ёш никоҳ маросими-да кийган, айтайлик, оддий атлас қўйлақ ёки бекасам тўнни тур-муш қурган энг бахтли дамлари-дан эсдалик сифатида умрбоқ сақлаб қўйганлари дуруст эмас-ми? Умуман, никоҳ маросимида айниқса келин учун гарбча ли-боснинг нима кераги борми? Фа-қатгина келин-куёвлар либосида эмас, балки тўйларимизнинг ўти-шида ҳам бошқаларнинг аъёналарини ўзлаштиришга берилиб кетаяпти, чамамда. Ахир, бош-қалар бундай қилишмайди-ку!

Мамлакатимизда миллий маф-курамиз шаклланиб бораёпти. Бу мафкура халқимизнинг азалий аъёналарига, удуларига, мил-лий руҳияти ва бой маънавий меросига асосланади. Шу билан бирга, бу мафкура умуминсоний кадриятларни ҳам ўзида уйғун-лаштиради. Мадомики шундай экан, миллий кадриятларимиз бизга ёт бўлган маънавиятнинг — гарбча турмуш тарзининг ҳамда ўзгалар урф-одатининг қурбони бўлмаслиги керак.

Иброҳим НОРМАТОВ,
"Туркестон-пресс"

САРМОЯЛАР РЕКОРД КЎРСАТКИЧДА

Саудия Арабистони араб дав-латлари орасида мамлакатга ки-ритилган сармойалар ҳажми бўйича биринчи ўринни эгал-лади. Бу маълумот Араб сар-мойаларни ҳимоя қилиш ассоци-ацияси томонидан эълон қилин-ган. Унга кўра, Саудияга кири-тилган сармоя миқдори 27 мил-лиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Барча араб мамлакат-лари сармойаларининг Саудия Арабистони Подшоҳлигига ки-ритилган қисми эса 75,8 фоизни ташкил этган.

Саудия Арабистонининг сар-

мойлар бўйича бош кўмитаси-нинг маълумотига кўра, 2005 йилда 12 та араб мамлакатига киритилган сармойаларнинг умумий ҳажми 38 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2004 йилда 5,9 миллиард доллардан ошмаган эди. Хориж мамлакатларининг Саудияга киритаётган тўғри-дан-тўғри сармойалар миқдо-рининг 2005 йилда 27,9 мил-лиард долларга етгани эса араб давлатларига киритилган сармойалар борасида рекорд ҳисобланади.

Тафаккур бўстони

Маҳмуд аз-ЗАМАХШАРИЙ

Тўғри ва ҳақ йўлдаги киши

асрлондан ҳам ҳайбатлироқ юради

Буюк аллома Абул Қосим Маҳмуд аз-Замашарий 1075 йили Хоразмдаги Замашар қишлоғида таваллуд топган. Улуг бобокорлик-миздан биз авлодларга бой ва улкан мерос қолган. У яратган тилшу-нослик, лугатшунослик, адабиёт, аруз, жүрғофия, тафсири, ҳадис, фикҳга оид олтимишга яқин асар бизнинг қунарларига етиб келган.

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриети босмадан чикарган олим Убайдулла Уватовнинг "Хоразмлик буюк аллома" китобида Замашарийнинг ҳаёти ва ижод йўли ёритилган, аллома ҳақдаги улуглар ва тадқиқотчилар фикрлари жамланган. Қуйида сиз шу китобдан ўрин олган Маҳмуд аз-Замашарийнинг "Навоиб ал-Калим" ("Нозик иборалар") асаридagi хикматлар билан танишасиз.

Бошингизга мушкул иш ва таш-виш тушганда мунис бўлиб, одам-ларга меҳр-муҳаббатлироқ бўла-сиз, аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошликка мойил бўласиз.

Мол-мулкни беҳуда исроф

қилиш қуфрона "неъматдир". Уйламаздан бойлигини сарфлаш тўлиқ таназзулга олиб келади.

Агар бирор қайту-алам юз бергани ёки таъзияли жойини эшитсанг, дарҳол у ерга бор, агар зиёфату меҳмондорчилик-

ка чақирилсанг, ундан ўзинг ўйлаб иш тут (ўзинг биласан).

Аввал қилиб келган ҳайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшавер-ринг, чунки қўшининг қаноти-даги кичик патлари катта патла-рига мадақдордир.

Одамларнинг энг хоҳири қу-чилиси уларнинг энг унутувчи-дир, кўнгишларнинг юнг юмоғи салобатлигию шафқатлисидир.

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган ки-шининг юриши арслон юриши-дан ҳам ҳайбатлироқдир.

Агар сенга нисбатан ўз биро-

даринг бирор хиёнат қилса, унга қийналашдан ўзингнинг тий, унинг макру хиласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил.

Ният қилинган ишлар пишма-ган гўшт мисоли, бинобарин, ҳар қандай ишни қомил ниюту қаттиқ ихлос билан қилиш лозим.

Аҳмоқ киши бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмагани-дек ҳикмат лаззатини билмайди.

Ўз биродарингни янчилган мушқдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мактаб ёд эт, гарчанд у сендан узок шаҳарда бўлса ҳам.

Ҳалол-покиза киши доимо хо-

тиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат ва ёмонлик қиладиган киши эса нотинчлиқ ҳалокатга гирифтормир.

Ҳар қандай ишни бошлашдан аввал Оллоҳнинг розилигини ўйла, акс ҳолда қилган ишларингнинг ҳаммаси беҳуда бўлиб зоё кетади.

Агар ёмон йўлдошга эргаш-санг, унинг оғуси билан заҳарла-насан. Яхшиси, унинг душманла-ри жумласидан бўл, шунда унинг оғусию заҳматидан қутулсан.

Аллоҳ таоло сувда кетганларни мусаххар қилди (ўз итотига олди) ва яна фалакларни осмон-у фалақда юритди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Таҳрир хайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Тальят МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона — 133-40-86
136-53-14

Факс — 133-40-86

Котибият — 136-55-96

Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 136-55-64

Хатлар бўлими — 136-55-64

Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39

Иқтисодиёт ва с